

---

## МУНОСАБАТ

Ижтимоий тармоқлар орқали Бешариқ тумани, «Шоберди» МФЙ ҳудудидаги ички кўчаларига асфальт қопламасини ётқизиш бўйича эълон қилинган мурожаатга

### МУНОСАБАТ

Бешариқ тумани, «Шоберди» маҳалла фуқаролари йиғинидаги ички хўжаликлараро йўллар турли дастурлар доирасида босқичма-босқич таъмирланиб келинмоқда.

Бу борада маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш орқали аҳолига қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 август кунги 435-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга асосан Бешариқ туманида "Шоберди" маҳалла фуқаролари йиғини инфратузилмасини ривожлантириш дастурига асосан манзилли руйхат шакллантирилиб, маҳалла ҳудудидаги Сабо ва Достон кўчаларининг 3.4 км ички йулларига асфальт қопламасини ётқизиш ишлари ҳамда ҳудудидаги Достон кўчасидаги электр тармоқларини яхшилаш мақсадида 1.5 км тармоқни реконструкция қилиш ва бир дона янги трансформатор пунктини ўрнатиш ишлари режалаштирилган.

Бугунги кунда ушбу режалаштирган ишлар тўлиқ якунига етказилган.

Туман ҳокими Расулжон Жўраев бошчилигидаги масъуллар билан биргаликда мурожаатда кўрсатилган манзилда ўрганиш ишлари олиб борилди.

Унга кўра аниқланган камчиликлар босқичма-босқич молиялаштириш ишлари амалга оширилгандан сўнг, белгиланган тартибда асфальтлаштириш ишлари бажарилиши айтиб ўтилди ва масъулларга бу борада топшириқлар берилди.

Бешариқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2023-11-27 08:08:40